

Такдирлаш

2022-йилнинг 1-март куни Узун туман ҳокимлиги мажлислар залида тумандаги 49 та МФЙ раислари ва ҳоким ёрдамчилари ҳамда туман ҳокими ўринбосарлари иштирокида туман ҳокими 1-сектор раҳбари Б.Б.Турсунов ҳамда Узун туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи 4-сектор раҳбари Р.М.Боймирзаевлар иштирокида туманда истиқомат қилувчи жисмоний шахсларнинг 2021-йилдан қолган боқиманда қарздорлиги ҳамда 2022-йил учун тўланиши лозим бўлган солиқ йиғимларини ДСИ ходимлари билан МФЙ ходимлари ҳамкорлигида ишларни ташкиллаштириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилишда ДСИ ходимларига солиқ йиғимлари бўйича жонбозлик кўрсатган 3 та МФЙлар жумладан, Маландиён маҳалла раиси О.Азимов, Бешкаппа маҳалла раиси А.Шамсиев, Хатиб қаҳрамон маҳалла раиси Ў.Алиевларига компьютер эсдалик совғалари берилди. Тумандаги қолган маҳаллаларга ҳар хил турдаги совғалар берилди.





